# ТИШЛАРНИНГ ПАТОЛОГИК ЕДИРИЛИШИ ВА УНИНГ АХОЛИ ОРАСИДА ТАРҚАЛИШИ

**Саидов Акбар Аҳадович., Ахадов Вохиджон Асатуллаевич**
Бухоро давлат тиббиёт институти
akbar_saidov_1980@mail.ru

Тишларнинг патологик едирилиши - тиш-жағ тизимидаги патологик ўзгаришлар билан кечадиган полиэтиологик жараёндир. Тиш қаттиқ тўқимаси едирилишининг кучайиши эмал ва дентин тўқималари гистогенезининг бузилиши ва мўрт бўлишига олиб келади, яъни минерализация эмаль ва дентин қаватларда тўлиқ хосил бўлмайди. Бунинг натижасида тиш қаттиқ тўқимаси чайнов босимига чидамсиз бўлиб, патологик едирилиш тез кечади. Шу туфайли, тишларнинг нормал шакли бузилади, дўмбоқчалари, кесув четлари йуколади, тиш тожининг бўйи пасаяди. Патологик едирилиш кучли авж олганда тишларнинг фақат илдизи колади, уларнинг юзаси милк четлари сатхида жойлашган бўлади. Тиш қаттиқ тўқимаси патологик едирилишнинг тез кечувчи декомпенсатор шаклида патологик едирилиш эмал дентин чегарасига ўтиб, юз-жағ сохасида, чайнов мушакларида, чакка пастки жағ бўғимида функционал ва морфологик ўзгаришларига олиб келади. Бизга маълумки тишлар патологик едирилиши тишлар анатомик кўринишининг бузилиши билан бир қаторда тишнинг бошқа тўқималари, пародонт ва чакка-пастки жағ бўғими элементларидаги ўзгаришлар билан кечади. Бу холатларда функционал ва морфологик ўзгаришлар: пульпа структурасидаги ўзгаришлар, турли таъсиротларга сезувчанликнинг ортиши, чайнов мушаклари тонусининг ортиши ва уларнинг асинхрон қисқариши, чайнов вақтининг чўзилиши, алвеолалараро баландликнинг қисқариши баъзи холатларда окклюзион-артикуляцион дисфункция синдромига олиб келади.

**Мақсад:** Тишлар патологик едирилишини Бухоро вилояти ахолиси орасида тарқалишини бахолаш.

**Текшириш объекти ва усуллари:** Бухоро давлат тиббиёт институти қошидаги Стоматология ўқув-илмий-амалий марказига даволаниш учун мурожаат қилган 17- 64 ёшдаги 366 нафар кишида субъектив ва объектив текширишлар ўтказилди. Оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарининг кўрикдан ўтказиш кетма-кетликда тиш ва тиш қаторлари, прикус, пародонт ҳолати кўрилди, тиш пломбалари, тиш протезлари мавжудлиги ва уларни ҳолатига эътибор берилди. Хар бир тишнинг чайнов ёки кесув юзаси, юқори жағдаги тишларининг танглай юзаси, пастки жағдаги тишларининг вертибуляр юзасидаги патологик едирилишлари бахоланди. Оғиз бўшлиғи гигиеник холати текширилди (Green,Vermillion, 1964).

Окклюзион юзадаги тиш қаттиқ тўқимасининг едирилишини қуйидаги кодлар билан бахоланди:

0- ўзгариш йўқ
1- эмал четларини йўқолиши

2- эмаль едирилган ва дентиннинг 1/3 қисми

3- эмаль едирилган ва дентиннинг 2/3 ва ундан кўп қисми

4- эмаль тўлиқ едирилган, иккиламчи дентин хосил бўлган ёки пульпа очилган.

**Олинган натижалар ва улар мухокамаси:** 17-24 ёш гурухида тишлар патологик едирилиши 6,2%±0,7; 25-34 ёш гурухида 10,0%±1,6; 35-44 ёш гурухида 17,2%±2,6; 45-54 ёш гурухида 27,5%±2,2; 55-64 ёш гурухида 41,2%±2,2 таркалганлигини кузатдик. (жадвал-1)

Жадвал -1. Тишлар патологик едирилишни ёш гурухи бўйича тарқалиши

| Ёш гурухи | 17-24 | | 25-34 | | 35-44 | | 45-54 | | 55-64 | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| жинси | эркак | аёл | эркак | аёл | эркак | аёл | эркак | аёл | эркак | аёл |
| Текширилганлар сони | 28 | 20 | 32 | 28 | 30 | 28 | 54 | 44 | 56 | 46 |
| Тишлар патологик едирилишини | 7,1±1,0 | 5,0±1,0 | 9,3±1,9 | 10,7 ±2,6 | 23,3±3,5 | 10,7 ±1,0 | 33,3 ±1,7 | 20,4 ±2,3 | 55,3 ±3,0 | 23,9 ±1,0 |
| таркалиши % (P±m) | 6,2±0,7 | | 10,0±1,6 | | 17,2±2,6 | | 27,5±2,2 | | 41,2±2,2 | |

Тишлар патологик едирилишшни горизонтал ва вертикал кўринишларини алохида ўргандик. Тишлар патологик едирилишини горизонтал кўриниши 17-24 ёш гурухи юқори жағида 2%±0,5 пастки жағида 6,2%±1,3 ; 25-34 ёш гурухи юқори жағида 3,3%±0,8 пастки жағида 10,0 %±1,7 ; 35-44 ёш гурухи юқори жағида 17,3%±1,7 пастки жағида 22,4%±2,3 ; 45-54 ёш гурухи юқори жағида 2%±0,5 пастки жағида 29,5%±2,1; 55-64 ёш гурухи юқори жағида 20,5%±1,8 пастки жағида эса 39,2%±2,2 ташкил этди.

Юқори жағдаги тишларнинг танглай юзаси ва пастки жағдаги тишларнинг вестибуляр юзасида вертикал кўринишдаги патологик едирилиш кузатилади. 17-24 ёш гурухи юқори жағида кузатилмади, пастки жағида 2,1%±0,2 ; 25-34 ёш гурухи юқори жағида 6,6%±0,6 пастки жағида 3,3%±0,3 ; 35-44 ёш гурухи юқори жағида 18,9%±0,9 пастки жағида 3,4%±0,4 ; 45-54 ёш гурухи юқори жағида 26,5%±1,0 пастки жағида 4,0%±0,4; 55-64 ёш гурухи юқори жағида 26,4%±1,0 пастки жағида эса 2,9%±0,4 ташкил этди. (расм-2)

Хулоса қилиб айтганда бизнинг текшириш натижаларимизга кўра тишлар патологик едирилиши беморларни ёш гурухига тўғри пропорционал равишда ортиши ва бемор жинсига хам боғликлиги аниқланди. Тишлар чайнов юзаси ва кесув қиррасининг патологик едирилиши яъни горизонтал кўриниши вертикалга нисбатан кўпроқ учрашини аниқладик. Вертикал кўринишдаги патологик едирилиш юқори жағда пастки жағга нисбатан кўп учраганлигини аниқладик.